

ЕР СОЛИГИНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11399204>

Сафаров Ғиёсиддин Абдуллаевич
“Солиқлар ва солиқса тортши” кафедраси
доценти, и.ф.д.

Аннотация. Илмий тезисда ер солигининг моҳияти ва аҳамияти назарий жиҳатдан ёритилиши билан бирга, унинг давлат бюджети даромадларида тутган ўрни статистик маълумотлар асосида атрофлича таҳлил қилинганд. Шунингдек, ер солиги механизмидаги айрим муаммолар, уларни бартараф этиши йўллари ёритиб берилган.

Калим сўзлар: табиий ресурслар, ер участкалари, ер солиги, давлат бюджети, кўчмас мулк солиги.

Табиий ресурслар умуммиллий бойлик ҳисобланади ва улар давлат томонидан муҳофаза қилинади. Жамиятнинг ҳар бир аъзосининг табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши учун давлат томонидан зарур чоратадбирлар ишлаб чиқилади ва назорат қилинади. Зоро, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида қайд этилганидек: «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлиkdir, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир»[1]. Конституцияда ернинг табиий ресурс сифатида ифодаланиши ҳамда хуқуқий муҳофазаланиши, ундан оқилона фойдаланиш лозимлигининг қайд этилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Республикада табиий ресурслардан, жумладан, ер участкаларидан, ер ости бойликларидан, сув ресурсларидан ва уларнинг бошқа турларидан оқилона фойдаланишни, шунингдек улардан фойдаланиш жараёнида атроф-муҳит тозалигини сақлаш ва фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишда қонун устуворлиги таъминланган. Конституцияда қайд этилганидек: «Фуқаролар атроф муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар» [1]. Қайд этилганлардан республикада табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишнинг хуқуқий механизми мустаҳкамланганлигини кўриш мумкин.

Бугунги кунда ресурслардан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланишни тартибга солиш механизми ишлаб чиқилган бўлиб, унда асосан 2 хил, яъни

маъмурий ҳамда иқтисодий усуллардан фойдаланилмоқда ва асосан иқтисодий механизмлар воситасида табиий ресурслардан фойдаланиш тартибга солинмоқда. Табиий ресурслардан фойдаланишнинг иқтисодий механизми бир қатор қонунларда, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»[2] ги қонунида ўз ифодасини топган.

Ушбу қонунга мувофиқ табиий ресурслардан фойдаланишнинг пуллик тизими жорий этилган: «Табиатдан маҳсус фойдаланганлик ва атроф муҳитни ифлослантирганлик учун тўловлар табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлардан утилизация йигимидан, шунингдек атроф муҳитни ифлослантирганлик (ифлослантирувчи моддаларни чиқарганлик, оқизганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик) учун компенсация тўловларидан, табиий ресурсларни муҳофаза қилганлик ва қайта тиклаганлик учун тўловлардан иборат бўлади»[2]. Бундан ташқари табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солишнинг иқтисодий механизми ер, ер ости бойликлари, маҳсулот тақсимотига оид, сув ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган бир қатор норматив-хукуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Ер табиий ресурсларнинг энг муҳим турларидан бири ҳисобланади. Дунё тажрибасидан маълумки, ер эгалари ўзларининг эгалигидаги ер участкалари учун давлат бюджетига муайян тўловни амалга оширади. Ер солиги жорий қилинган пайтдан ҳозирги вақтга қадар ўтиш даври хусусиятлари ва талабларидан, мамлакат иқтисодиётидаги ўзгаришларга мос равища такомиллаштириб келинмоқда.

Маълумки, мол-мулк солиги каби ер солигининг ҳам асосий вазифаси фискал бўлишига қарамасдан, унинг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти унчалик юқори эмас (1-жадвал).

1-жадвал

Ер солигининг давлат бюджети даромадларидағи аҳамияти [3]

Кўрсаткичлар	Й и л л а р							
	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022

Давлат бюджети даромадлари, млрд сўм	36493,3	41043,4	49681,0	79099,0	112165,4	132938,0	164680,3	202042,9
Ер солиғи, млрд сўм	750,1	966,7	1091,8	1504,2	2313,2	2386,7	4082,8	5305,9
Давлат бюджети даромадларидағи улуши, %да	2,1	2,4	2,2	1,9	2,1	1,8	2,5	2,6
Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, млрд сўм	407,9	565,9	561,9	840,8	1408,7	1307,9	2645,7	3422,0
жами ер солигидаги улуши, %да	54,4	58,5	51,5	55,9	60,9	54,8	64,8	64,5
Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи, млрд сўм	342,2	400,8	529,9	663,4	904,5	1078,8	1437,1	1883,9
жами ер солигидаги улуши, %да	45,6	41,5	48,5	44,1	39,1	45,2	35,2	35,5

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, 2015-2021 йиллар мобайнида давлат бюджети даромадларининг муентазам равишада ўсиб боришига мутаносиб равиша ер солиғи тушумининг ҳам ўсиши кузатилган. Ер солиғи суммаси 2015 йилдан 2019 йилга қадар ўсгани ҳолда, 2020 йилда нисбатан барқарорлиги кузатилган, 2021 йилдан яна ўсиш тенденциясига эга.

Давлат бюджети даромадлари таркибида ер солигининг улуши 2015 йилда 2,1 фоиздан 2021 йилда 2,5 фоизга қадар, яъни 0,4 фоиз бандга ошган. Унинг суммаси 2015 йилда 750,1 млрд сўмдан 2021 йилда 4082,8 млрд сўмга қадар, яъни 3332,3 млрд сўмга (5,4 мартаға) ошган. Ер солиғи суммаси таҳлил қилинган йиллар мобайнида муентазам ўсиш тенденциясига эга. Лекин юридик шахслар томонидан тўланган ер солигини йиллар бўйича таҳлили кўрсатмоқдаки, 2017 ва 2020 йилларда ўтган йилларга нисбатан давлат бюджетига солиқ тушумини камайиши кузатилган. Шунга қарамасдан юридик шахслар томонидан тўланган ер солигини жами ер солиғи бўйича тушумлардаги улуши 2015 йилда 54,4 фоиздан 2021 йилда 64,8 фоизга (10,4 фоиз бандга) ошиши кузатилган бўлса, шу даврда жисмоний шахслар томонидан тўланган ер солигининг улуши 45,6 фоиздан 35,2 фоизга (10,4 фоиз

бандга) қадар камайган. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланган мол-мулк солиғи ва ер солиғи нисбатидаги ўзгаришларнинг бир-бирига қарама-қаршилиги бу борада аниқ ҳисоб-китобларга асосланган таҳлилларни амалга ошириш заруратини тақозо этади.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, солиқ тўловчиларнинг ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиши кўп жиҳатдан солиққа тортиладиган ер участкалари майдони ва ер солиғи ставкаларига боғлик. Шу боис, ер солиғи ставкалари ҳар йили индексация қилиб келинмоқда. Амалдаги ер солиғи асосан фискал вазифани бажариб, унинг ер ресурсларидан самарали фойдаланишини таъминлашдаги роли деярли сезилмайди. Ер ресурсларининг чекланганлиги эса унинг бозор баҳосини кескин ошишига сабаб бўлмоқда. Лекин амалдаги солиққа тортиш механизми ернинг баҳосига қараб эмас, балки ер участклари майдонига қараб белгиланиши оқибатида ўзининг самарасини бермаяпти.

Республикада мол-мулк солиғи ва ер солиғи ўрнига кўчмас мулк солиғини жорий этиш бўйича норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, чора-тадбирлар амалга оширилаётган бўлсада, ушбу солиқ турлари бўйича солиқ базасининг турлича эканлиги кўчмас мулк солиғига ўтиш жараёнини секинлаштироқда. Бу жараён фақатгина солиқ маъмурчилиги билан боғлик бўлмагани ҳолда, узоқ йиллар давомида ерга доир мулкчилик муносабатларига бориб тақалади. Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, кўчмас мулк солиғини жорий қилишдаги асосий муаммолардан бири ер участкасининг аниқ қийматини, яъни унинг баҳосини белгилаш билан боғлик. Шундан келиб чиқиб, солиқ сиёсатини такомиллаштиришда шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (50 ва 55-моддалари), <https://constitution.uz/uz/clause/index>
2. Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни, <https://lex.uz/acts/107115>
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Солиқ қўмитаси маълумотлари, <https://soliq.uz>